

## МАHMUD KOSHG‘ARIY KELTIRGAN UYG‘UR ALIFBOSI: HARF VA TOVUSH MUNOSABATLARI



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-28-87-100>

Filol.f.d. Qosimjon SODIQOV  
TDSHU professori,  
Toshkent, O‘zbekiston.  
Tel: +998 99 840 60 54  
[sodiqovq@gmail.com](mailto:sodiqovq@gmail.com)

**Annotatsiya.** *Mahmud Koshg‘ariy Devonu Lugatit Turk asarida eski uyg‘ur yozuvi haqida ma’lumot berib, uning alifbosini taqdim etgan. Olimning turk yozuvi, taqdim etgan alifbo tizimi, turkiy shevalar tarixi va yozuv sivilizatsiyasi, xususan, qoraxoniylar davri adabiy tilining fonetik tizimi haqida yozganlari harf va tovush munosabatlarini tekshirish nuqtai nazaridan juda muhimdir. Olim o‘z ijodiga qoraxoniylar davri tili bilimdoni, yirik fonolog sifatida yondashgan.*

**Tayanch so‘zlar:** *uyg‘ur yozuvi, turkcha yozuv, uyg‘ur alifbosi, harf, tovush, transliteratsiya.*

**Аннотация.** Махмуд Кашигарский дал информацию о старой уйгурской письменности в своем Диване и представил алфавит. То, что ученый писал о тюркской письменности, представленной им системе алфавита, истории тюркских диалектов и письменной цивилизации, особенно фонетической системе литературного языка периода Караканидов, очень важно с точки зрения изучения буквенно-звуковых отношений. Ученый подошел к своей работе как знаток языка караканидского периода и крупный фонолог.

**Ключевые слова:** *уйгу уйгурское письмо, турецкое письмо, уйгурский алфавит, буква, звук, транслитерация.*

**Abstract.** *Mahmud Kashgari, in his “Devonu lugati-t-turk”, gave information about the old Uyghur script and its alphabet. What the scholar has written about Turkish writing, the alphabet system he cites is very important for the history of Turkic languages and writing culture, especially in the study of the phonetic system, letter and sound relations of the written literary language of the Karakhanid period.*

**Key words:** *Uyghur script, Turkish script, alphabet, Uyghur alphabet, letter, sound, transliteration, letter and sound relations.*

Махмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида эски уйғур ёзуви ҳақида маълумот бериб, унинг алифбосини ҳам келтирган. Олимнинг туркча ёзув ҳақида ёзганлари, у келтирган алифбо тизими туркий тиллар ва ёзув маданияти тарихи учун ўта қадрлидир. Ўтмишдан қолган бундан бошқа уйғур алифболари ҳам

бор. Лекин уларнинг ҳеч бири ўз аниқлиги ва тўлиқлигига кўра Кошғарий алифбосига ҳамда у келтирган изоҳларга тенглаша олмайди.


Кошғарий ўз луғатида туркий сўзларни ҳамда уларнинг маъносини изоҳлаш учун келтирилган мисолларни араб хатида берган. Лекин, ўша замонда турклар қўллаган алифбо тўғрисида маълумот берар экан, бошқа бир ёзув – ҳозир фанда «уйғур ёзуви», «уйғур хати» деб аталаётган ёзувни келтиради; Маҳмуд Кошғарий уни «турклар ёзуви» (*kitābatu-t-turkiyya* ҳамда *xaṭṭu-t-turkiyya*) деган.

Уйғур ёзувини Алишер Навоий ҳам ўшандай атаган эди. У Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиuzzамонга ёзган мактубида хатларнинг ўқиши учун қулай ё қийинлиги тўғрисида фикр юрита туриб, уйғур хатини ҳам эслайди; уни *türkçä xaṭ* дея тилга олади. Навоий ёзади: *Yana ul-kim, har türlüg ’arḍadāšt-kim, yuqarī bitilsä, nasxta ’liq xaṭṭi bilä andaq xvānā bitilsä-kim, oqurda oqur kiśigä tašvīš tegmäsä, türkçä xaṭ* (ترکجه حط) *bilä xūd aṣlā bitilmäsä-ki, bu bābda dayi qavle bar* (Mun.398a,23–25). Ушбу туркий ёзув форсча манбаларда *xaṭṭ-i uyyūrī*, арабча манбаларда арабий изофа билан *xaṭṭu-l-uyyūriyya* деб ҳам аталган. Масалан, Ибн Арабшоҳ уни ана шундай атаган (Қоҳира миллий кутубхонасида сақланаётган 3543- кўрсаткичли қўлёзма, 186а–187а- бетлар).

Баъзи асарларда ушбу ёзув «мўғул хати» (*xaṭṭu-l-moġūliyya*) деб ҳам айтилган (қаранг: Содиков 2020,257–258).

**Маҳмуд Кошғарий алифбосининг тизими.** Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, уйғур алифбосида ҳарфлар сони ўн саккизта. Муаллиф алифбода ҳарфларнинг бош шаклини кўрсатиб, тагида араб ҳарфлари билан уларнинг ўқилишини (транслитерациясини) берган. Уйғур ҳарфларининг вазифаси тагидаги ана шу изоҳларга қараб тушунилади.

У ёзади: «Туркий тилларда қўлланадиган асосий ҳарфлар сони ўн саккизта. Туркча ёзув (كتابه التركى) да шулар қўлланади. Уларнинг ҳаммасини қуидаги сўзлар қамрайди: أخوك، لف، سمج، نزق، بذر، شتياً. Айириб кўрсатилса, қуидагича бўлади:



Арабчада бу ҳарфларнинг тенгдош сираси **ا ب ت ث ف ح و ز ق ک د ی ش ر ج ب س ن م ل ت ش ر ج ب س ن م** сингариdir (МК.3b).

Алифбо таркибидаги ҳарфларнинг кўпвазифалилик хусусияти ҳақида Маҳмуд Кошғарий алоҳида тўхталган эди. Унинг таъкидлашича, туркий тилдаги еттига товуш уйғур ёзувидаги маҳсус белгисига эга эмас. Лекин улар ҳам ёзувда бошқа ҳарфлар билан ифодаланаверади; фақат уларга қўшимча белгилар қўйиб борилади. Бу тўғрида у ёзади: «Бу асосий ҳарфлардан бошқа талаффуздагина (ёзувда эмас) ифодаланувчи яна еттига ҳарф [яъни, товуш] борки, туркий сўзлар бу ҳарфлариз ишлатилмайди. Булар жарангсиз *rā* (яъни, [r]) ҳарфи, арабча *jīm* ҳарфи – арабча *jīm* (бу луғатда, яъни туркчада) кам қўлланади, *zā* билан *šīn* оралиғида талаффуз этиладиган *zā* ҳарфи (яъни, [ž]); арабча *fā* (яъни, [w]) ҳарфи; нуқтали *yaup* ҳарфи; *qāf* билан *kāf* ҳарфлари оралиғида талаффуз этиладиган жарангли *kāf* (яъни, [g]), *kāfu-l-yuppa* билан *yaup* оралиғида ҳамда *qāf* билан *nīn* оралиғида талаффуз этиладиган نك (яъни, [ŋ]) ҳарфларидир.

Бу ҳарфларни талаффуз қилишда турклардан бошқалар қийналадилар. Бу ҳарфлар ўша юқоридаги ҳарфлардек ёзилади, тепасига нуқта қўйилиб, бир-биридан фарқланади» (МК.3b–4a).

Кошғарийнинг ушбу маълумотига кўра уйғур ёзувидаги товушлар бир хил ҳарфлар орқали ифода этилганлиги аён бўлади: [k]–[g], [x]–[γ], [č]–[j]–[ž], [w]–[f]. Сонор [ŋ] эса ёзувда икки ҳарф (*q+n+k*) билан берилган.

Кошғарий уйғур алифбосидаги ҳарфларнинг отини ҳам келтирган: ҳарфларнинг оти, улар ифодалаган товушга *fatḥa* қўшиб ҳосил қилинган: *a*, *wa*, *xa*, *va*, *za*, *qa*, *ya*, *kä*, *da*, *ta*, *na*, *sa*, *ba*, *ča*, *ra*, *ša*, *ta*, *la*. Бу кетма-кетликни эсда сақлаш учун улар учта-учтадан бирлаштирилиб, *awaxa*, *vazaqa*, *yakäda*, *manasa*, *bačara*, *šatala* тарзида ўқилган.

Мана уларнинг уйғур хатида берилиши:

Муаллифнинг ёзишига кўра, «Барча хоқонлар ва султонларнинг китоблари, ёзувлари қадимги замонлардан шу кунгача, گاشغۇر *Kāšyar* дан Юқори Чингача (الصين العليا) – ҳамма турк шаҳарларида шу ёзув билан юритилган» (МК.4b).

Маҳмуд Кошғарий уйғур ёзувида унлиларнинг ишлатилиш принциплари түғрисида ҳам сўз юритган. Жумладан у *kelin* сўзининг маъноси ва ёзилишига тўхтала туриб, ёзувнинг бу хусусияти түғрисида шундай ёзган эди:

كَلْنْ *kelin* – «келин». Ўрта ҳарфи *fatha* ли бу хил сўзлар аслида *alif* билан қўшиб ёзилиши керак эди. «Туя товони» маъносидаги *taran* каби сўзларда ҳам икки *alif* (яъни, [a]) ёзилиши керак эди. Бу ҳолда сўз ўзагида арабча ёзувда бўлмаган икки *alif* (яъни, [a]) ортирилган бўлади: تَابَانْ صَوْمَهْ; шунингдек, شُبُونْ تُبُونْ صَوْمَهْ *tüpün* каби ўртаси *zatma* ли сўзларда икки *vāv* (яъни, [i]) шакли ортириб ёзилиши қоидадир: شُبُونْ تُبُونْ تُبُونْ صَوْمَهْ *tüpün* каби. Шунингдек, كَلْنْ *kelin* сўзида бир *yā* [i] ортириб ёзилади: كَالِيْنْ نَبِيْمَهْ *kalin* каби. Биз кўрсатмаган бошқа сўзларда ҳам ахвол шу. Бу сўзларда ортириб, қисқартириб қўллаш мумкин. ... Чўзиб ва қисқартиб талаффуз қилиш сўзга зарар бермайди. Лекин ортириб ёзиш мумкин бўлганидай, қисқартиш ҳам янгилиш эмасдир. Балки қисқартиш мувофик (МК.102b).

**Ўрта асрлардан қолган бошқа алифболар.** Ўтмишдан кунимизгача Маҳмуд Кошғарий алифбосидан бошқа уйғур алифболари ҳам етиб келган. Улар ҳам турли илмий-грамматик асарлар, тарих китоблари, мажмуалар таркибидадир.

Р.Р. Арат ана шундай алифболардан бири ҳақида маълумот келтирган. Унинг ёзишича, Анқарадаги Маориф кутубхонасида (хозир уни Анқара Миллий кутубхонаси аталади) сақланадиган китобларнинг бирида уйғур ёзувли бир нечта туркий тўртлик ва байтлар билан бирга уйғур алифбоси ҳам берилган. Олим китобдан

ўрин олган ушбу шеърий узиндилар ва уйғур алифбоси ҳақида ёзиб, ўша бетларининг фотосуратини ҳам келтирган (қаранг: Arat 1992, 34–36; CLXIX).

Р.Р. Арат бу қўллўзма китоб ва унда келтирилган уйғур ёзувли туркий узинди шеърлар ҳақида «Кутадғу билиг» илмий нашрининг кириш қисмида ҳам Ф. Кўпрулу хабарига ишора қилиб, қисқача тўхталиб ўтган (қаранг: Arat 1991, XXXIX–XL).

Сайдбек Болтабоевнинг сўзига қараганда (у кутубхонада ўтириб қўллўzmани синчиклаб қўриб чиқибди), бу китоб Ибн Оқил Абдулвафо Абдуллоҳнинг «Китобу-л-фунун» номли асарининг ҳижрий 772 (мелодий 1370) йили кўчирилган нусхасидир. Кўллўзма 06 Нк 324 кўрсаткичи остида сақланаётир. Котиби – Ғозий бин Али бин Кутлуғу-л-Жубатий. Кўллўзма китоб жами 157 варақли, уйғур алифбоси ва уйғур ёзувли байтлар унинг сўнгги 154b–157a бетлари дадир. Энди китобда келтирилган уйғур алифбо тизимининг очиқламасига киришамиз (мен китобдаги уйғур ёзувли бетларнинг фотосурати бўйича сўз юритаман).

Алифбодан олдин шундай жумла битилган:

Faşl: fi xaṭṭi-l-uyyūrī alāna yuqālu moğūlī va ḥurūfuhā ۱۶ ḥarfān mubniya ’ala-l-fatḥ. Мазмуни: «Фасл: Ҳозирда мўғулча деб аталадиган уйғур хатида ҳарфлар (сони) 16 та ва фатҳа асосига қурилган». Шундан сўнг ўн саккизта уйғур ҳарфи келтирилиб (ўн иккитаси бир қаторда, олтитаси кейинги қаторда) ўн олти хил араб ҳарфлари билан изоҳлаб чиқилган. Изоҳларида товушни англатувчи ҳарфларнинг ҳар бирiga *alif* қўшиб кетилган (муаллифнинг «ҳарфлар фатҳа асосига қурилган» деганида ҳам ҳар бир ҳарфга [a] қўшиб ўқилиши кўзда тутилади). Бу шакли, уйғурча ҳарфларнинг отини ҳам билдиради. Тагидаги ана шу изоҳларига қараб уйғур ҳарфларининг ўқилиши ва вазифасини аниқлаш мумкин.

Ушбу алифбодаги ҳарфларнинг кетма-кетлиги ва отлари шундай:  
﴿ – <a>, ﻚ – <wa>, ئ – <qa>, ئ – <va>, ئ – <sa>, ئ – <qa>, ئ – <ya>, ئ – <kkä>, ئ – <ta>, ئ – <ma>, ئ – <na>, ئ – <za>, ئ – <pa>, ئ – <ča>, ئ – <ra>, ئ – <ša>, ئ – <ṭa>, ئ – <la>.

Ушбу алифбонинг тартиби Маҳмуд Кошғарий алифбосидан бироз фарқли. Унда *<sa>* билан *<za>*, шунингдек, *<ta>* билан *<ṭa>* ўрин алмашган. Яна, Маҳмуд Кошғарий деб изоҳлаган 1 ҳарфининг оти бу алифбода *<ṭa>* деб берилган. Яна, Кошғарий алифбосидаги *<xa>* ҳарфини ҳам, *<qa>* ни ҳам бу алифбода *<qa>* деб изоҳланган. Ҳарқалай, бунинг билан ушбу алифбода уйғур ёзувли матнларда мазкур товушларнинг фарқсиз ифодалангани кўзда тутилган кўринади.

Булардан ташқари, Маҳмуд Кошғарийдаги *b* ҳарфи бу алифбода ۋى билан кўрсатилган. Шуларга таянилса, уйғур алифбоси қуйидаги ҳарфлардан тузилгани таъкидланган бўлади: *a, w, q, v, s, y, k, t // ṭ, m, n, z, p, č, r, š, l*.

Алифбодан сўнг туркий тилдаги сонларнинг даражалари (бирликлар, ўнликлар, юз, минг, туман), ундан кейин туркий байтлар келтирилган. Улар ҳам уйғур хатида бўлиб, тагма-таг араб хатидаги ўқилиши берилган. Байтлар «Қутадғу билиг» ва «Хибату-л-ҳақойик»дан олинганига қараганда, ушбу уйғур алифбоси қорахонийлар даври матнларини ўқиш учун очқич сифатида берилган чоғи. Буни туркий сонлар келтирилиб, тагидаги ўқилишига келганда улар ўғузчалаштирилганидан ҳам билса бўлади: *tört – dörd, yeti – yedi, toqiz – doqiz* сингари.

Ибн Арабшоҳ ҳам ўзининг «Ажоибу-л-мақдур фи навоиби Таймур» отли асарида уйғур алифбосини келтиради (қаранг: Рустамов 1976,41). У ҳам одатдаги тартиб билан 18 та ҳарфни кўрсатган. Лекин уйғур ҳарфларининг ўқилишини изоҳлар экан, «уйғур хатида 14 та ҳарф бор» деб таъкидлайди ва шу асосда уйғур ҳарфларини 14 та араб ҳарфи билан транслитерация қиласди. Ибн Арабшоҳ алифбо ҳарфлари сони озлигининг сабабини шундай изоҳлайди: « ... Озлигининг ва шу сон билан чекланганининг сабаби бўғиз ҳарфларини бир хил шаклда ёзадилар. ... Махражда [яъни артикуляцияда] бир-бирига яқин бўлган *b* ва *f* каби, *z*, *s* ва *š* (ص) каби, *t*, *d*, *ṭ* (ط) каби ҳарфлар ҳам шундай» (Рустамов 1976,39).

Бу ўринда уйғур ҳарфларининг полифоник табиати, шунингдек, ўзлашган сўзлардаги баъзи товушларнинг (жумладан, ص, ط каби) туркий тилда ўзига яқин товушларга сингиб кетганлиги, улар учун

максус ҳарфлар йўқлиги таъкидланган. Шундан кейин келтирилган алифбода эса юқоридаги фикрлар тизимли тарзда кўрсатиб берилиган.

Махмуд Кошғарий алифбосидаги *w* билан *b* нинг иккиси ушбу алифбода арабча *و* орқали изоҳланган; *x* ва *q* бу ерда *ڦ*; *z* билан *s* бу ерда *ڻ*; *đ* билан *t* эса бу ерда *ڏ* орқали изоҳланган. Шунга кўра ҳарфлар сони 14 тадир.

Юқоридаги маълумотларга асосланадиган бўлсак, Ибн Арабшоҳ уйғур алифбосида қўйидаги товушлар бир хил ифода этилганини таъкидлаган бўлади: [q] – [γ] – [x], [b] – [v] – [f], [z] – [s], [t] – [d]. Шуларга кўра, муаллиф таъкидлаган уйғур алифбосидаги 14 та ҳарф қўйидагилар бўлиб чиқади: *a, b, q, v, s, y, k, d, t, n, č, r, š, l*.

Ибн Арабшоҳ уйғур хатининг тарихи тўғрисида ҳам яхши маълумот берган. Тарихчи ёзади: «Улар [чигатойликлар – К.С.] ўзларининг тилхат, мактуб, фармон, хат, китоб, битим, солнома, шеър, қисса, ҳикоят, ҳисоб, хотира ва девонга тегишли ҳамма ишларини, чингизона тузукларини шу ёзувда ёзадилар. Бу ёзувни яхши билган уларнинг орасида хор бўлмайди, чунки бу (ёзув) уларда ризқ очқичидир» (Рустамов 1976,42).

Демак, тарихчи Ибн Арабшоҳ ҳам, Ибн Оқил Абдулвафо Абдуллоҳ ҳам уйғур хатини жуда яхши билганлар. Улар келтирган алифболарда ҳам ҳарфлар сони Махмуд Кошғарий алифбосидаги сингари 18 та. Бироқ бирори уйғур хатидаги ҳарфлар сонини 16 та, бошқа бири 14 та деб кўрсатганининг сабаби, ҳарфларнинг полифоник хусусияти ва бир қанча товушлар ёзувда бир хил ифодаланганини назарда тутганлар.

**Уйғурча ҳарфларнинг фонетик вазифалари.** Энди Махмуд Кошғарий келтирган уйғур алифбосидаги айrim ҳарфларнинг вазифалари тўғрисида сўз юритамиз. Уйғур ёзуви оромий алифбоси негизида яратилган. Шундай бўлса ҳам, турклар бу ёзувни ўзлаштириш чоғида уни ўз тилларига мослаштириб юбордилар. Унинг имло принциплари тугал бир шаклда ўйлаб чиқилган эди. Уйғур алифбосидаги ҳарфлардан учтаси, ўрни билан, унлиларни ифодалашга хизмат қилган: **ا <a>** ҳарфи [a] – [ä~e] унлиларини, **ي <y>** ундошини ифодаловчи **ئ <ya>** ҳарфи [i] – [i~e] ни, **و <wa>** ҳарфи эса [u] – [ü] – [o] – [ö] унлиларини англатади.

Мұхими шундаки, уйғур ёзуvida ингичка унлилар ҳам фарқланган: сўз бошида ингичка [ä] унлиси битта *alif* билан, йўғон [a] унлисини ифодалаш учун эса *alif* қўшалоқ шаклда ёзилган. Шунингдек, сўз боши ва биринчи бўғинда келувчи [ü] ва [ö] унлилари *alif uā* билан берилган. Ёзувнинг бу хусусияти оромий алифбосини (ҳарқалай, суғдча алифбони) туркчалаштириш жараёнida вужудга келган эди. Чунончи, суғдча ёзувда чўзиқ [a:] товуши қисқа [a] дан қўшалоқ *alif* орқали ёзилиши билан фарқланган. Турклар суғд хатини ўзлаштириш чоғида унинг баъзи принципларини ўз тилларига мослаштириб олганлар. Суғд хатида чўзиқликни англатувчи график белгилар уйғур ёзуvida чўзиқ-қисқаликни эмас, туркий тил учун муҳимроқ бўлган ингичка ва йўғон унлилар, яъни олд ва орқа қатор унлиларини фарқлашга хизмат қила бошлади. Хусусан, Турфондан топилган қадимги будда, моний матнларида сўз бошида қўшалоқ  $\lrcorner$  <*aa*-> ҳарфи орқа қатор [a] ни, оддий  $\lrcorner$  <*a*-> эса олд қатор [ä(~e)] унлисини ифодалаган. Кейинчалик орқа қатор [a] товуши учун ҳам оддий  $\lrcorner$  <*a*-> ҳарвидан фойдаланиладиган бўлди (қаранг: Содиков 2020, 261–262).

Энди ундошларни англатувчи ҳарфларга ўтамиз: сирада иккинчи турувчи  $\lrcorner$  *wa* ҳарфининг вазифаси тўғрисида. Бу ҳарф лаб-тиш [w] ҳамда лаб-лаб [v] товушларини ифода этган. Маҳмуд Кошғарий унинг вазифасига ишора қилиб, остига араб алифбосидаги ғ ҳарфини қўйган (МК.За). Бунинг билан у [w] товушини кўзда тутади. Бу товуш асарда келтирилган туркий мисолларда ғ ва ғ ҳарфлари билан ифодаланган. Мұхими шундаки, Ибн Оқил Абдулвафо Абдуллоҳ ҳам ўзи келтирган алифбода ушбу ҳарфининг остига ғ ҳарфини қўйиб кетган. Олимларнинг ушбу изоҳларидан туркий сўзларда [w] товушининг [v] га қараганда устун эканлигини англаса бўлади.

XI–XIV юзийларнинг араб ёзувли туркий матнларида [v] билан [w] бошқа-бошқа ҳарфлар билан берилган: фонеманинг [v] варианти *vāv*, [w] товуши эса ғ ёки ғ ҳарфлари билан ифода этилган. Масалан, [w] товуши «Девону луғати-т-турк»даги туркий матнларда, «Қутадғу билиг»нинг араб ёзувли қўлёзмаларида ғ // ғ, туркий «Тафсир»да ғ, «Муқаддамату-л-адаб»нинг XIII–XIV юзийларга мансуб дея

чамаланаётган нусхасида ۋە/ف څارفلاري билان ifoda этилган (Содиков 2020,272).

Мисоллар: سٌف *sew-* «сев-» (QBQ.13a,16), جاڻ *čaw* – «хабар, довруғ» (QBQ.13a,7). Кейинги давр матнларида бу товушлар учун ягона څارف хизмат қилган: иккови *vāv* څارфи билан ifodalananadig'an bouldi. Maھmud Koشgarий [w] ни «*bā* (яъни, [b]) билан *fā* (яъни, [f]) маھражлари орасидаги» товуш деб таъкидлайди (ДЛТ,26). Унинг ёзишига қараганда, [v] ёки [w] билан сўзлаш диалектал хусусият бўлган. Масалан, «унинг суви билан тутмочга ранг бериладиган бир хил тиканли ўсимлик»ни баъзи шеваларда жарангсиз [v] билан *yava* десалар, бошқалар жарангли [w] билан *yawa* деганлар (ДЛТ,331).

Шунингдек, у, айрим ҳолларда, [v] билан [w] нинг параллел қўлланиши мумкинлигини ҳам таъкидлайди: *yalawač* – «пайғамбар». Бу сўзниг *yalawač* шакли ҳам бор (ДЛТ,340).

Келтирилган далиллар [w] ҳамда [v] диалектал хусусиятларни фарқлаш билан бирга, څار иккаласи ўзаро вариант сифатида (*w~v*) қўлланганидан ҳам далолат беради.

Энди уйғур алифбосидаги тўққизинчи – ئ <*da*> څарфининг вазифаси тўғрисида. Алифбодаги ушбу څارф [d] ҳамда [t] ундошларини ifoda этилган. Шунингдек, XI–XIV юзийилликларнинг араб ёзувли туркий матнларида тишора ڏ [ð] ундоши билан қўлланган сўзлар ҳам уйғур ёзувли матнларда ана шу څارф билан ёзилади. Кошгарий ўз алифбосида тўққизинчи څارфининг остига арабча ڏ څارfinи қўйиб, унинг тишора [ð] товушини ifoda этилганлигига ишора қилади. Қизиги шундаки, алифбода ڏ [d] ни билдирувчи څارф кўрсатилмаган. Бироқ, таъкидлаш керак, «Девону луғати-т-турк»да ڏ[*d*] билан келувчи сўзлар ҳам анчагина. Ҳар қайси ҳолда ҳам алифбода ڏ [ð] ни англатишига ишора этилган тўққизинчи څارф ўша даврнинг уйғур ёзувли матнларида [*d~ð*] вазифасини бажарганлиги аниқ. Maھmud Koشgarийнинг ушбу څارф ڏ [ð] товушини англатган деб изоҳлагани бежиз эмас. У алифбода ڏ [d] ни эмас, факат ڏ [ð] ни кўрсатганлигининг сабаби څар икки товушни ўзаро вариант сифатида қараганлигидан бўлса керак.

Уйғур алифбосидаги <*da*> څارфининг вазифасини аниқлашда «Хибату-л-хақойиқ» уйғур ёзувли *A* нусхасининг ёзув хусусиятлари

қўл келади. Эътиборлиси, уйғур ёзувли ушбу қўлёзмада «шундай ўқилсин» деган ишора остида араб алифбосидаги ҳарфлардан фойдаланилган. Масалан: матнда **كەدىم** *kedim* сўзидағи *<d>* ҳарфининг остига ҳ белгисини қўйиб, ушбу сўзни тишора [δ] ундоши билан *kedim* шаклида ўқишига ишора этилган (YugA.43,6). Бошқа мисоллар ҳам шундай: **قۇدى** *qudī* (*qudī*) – «қуийи» (66.1), **ئەدىي** *edgī* (*edgī*) – «яхши» (91.2), **ادىن** *adīn* (*adīn*) – «бегона» (113.1).

Баъзи ўринда уйғур ёзувли матндағи *<z>* ҳарфининг остига ҳам ҳ белгисини қўйиб кетилган. Шундай ишора бўлган экан, энди бу ҳарфни ҳам [δ] деб ўқиши лозим бўлади: **بۆزىپ** *bözip* (*bözip*) – «халқ» (YugA.102,2), **قاڙۇي** *qazuy* (*qaduy*) – «қайғу, алам» (YugA.103,2) сингари.

«Хибату-л-хақойик»нинг *B* нусхасида [δ] товуши ҳатто *<t>* ҳарфи билан ҳам берилган; бу сўздаги *<t>* ни ҳам [δ] деб ўқиса бўлади: **كەت** (*ked*) – «жуда» (YugB.39,5).

«Хибату-л-хақойик»нинг араб ёзувли *B* ва *C* қўлёзмаларида ҳарфи йўқ, ўрнида *dāl* ёки *yā* ҳарфлари ишлатилган. Мухими шундаки, *B* ва *C* қўлёзмаларида [d] ёки [y] билан ишлатилган сўзлар асарнинг араб ёзувли *H* қўлёзмасида [δ] билан келади; бу товуш матнда ҳарфи билан ифодаланган: اذکو *edgī* – «эзгу» (YugH.24b,6); ایدی *edī* – «эга; худо» (YugH.15a,8); اوذ *iđ-* «юбор-» (YugH.11a,3); قوڏي *qudī* – «қуийи» (YugH.14a,5) ва б.

Мухим бир далилга эътибор қаратайлик. «Кутадғу билиг»нинг араб ёзувли Наманган (*B*) нусхасида [δ] товуши маҳсус ҳарф билан берилган: اذکو *edgī* – «эзгу, яхши» (15b,2), بودون *bodip* – «халқ» (14a,14), اوذ *öđ* – «вақт» (20b,5), اوذ *iđ* – «хўқиз» (42a,4). Асарнинг уйғур ёзувли Хирот нусхасида бу сўзлар *<d>* ҳарфи билан ёзилган. Шу ўринда Наманган нусхасининг ёзув хусусиятларини эътиборда тутадиган бўлсак, уйғур ёзувли матндағи *<d>* ҳарфи тишора [δ] товушини ифода этгани аён бўлади: *edgi* (*edgī*) – «эзгу» (9b,21), *kedin* (*kedin*) – «кейин» (29a,19), *qudī* (*qudī*) – «қуийи» (8a,32), *aday* (*aday*) – «оёқ» (12a,5), *Ud* (*Uđ*) – юлдузнинг оти (8b,9).

Шунинг сингари, «Хибату-л-хақойик»нинг уйғур ёзувли *A* нусхасида *kedgülük* (яъни, «қийгулик») сўзининг остига ҳам ҳарфи қўйиб кетилган: *kedgülük* (ўқилиши: *kedgülük*) (YugA.44.4).

Мисоллардан англашиладики, уйғур алифбосидаги <*d*> ҳарфи [d] ва [t] товушлариdan ташқари, тишора [δ] товушини ҳам ифода этган. Туркий ёзма ёдгорликларда сирғалувчи ڇ [ž] товуши ҳам қўлланган. Маҳмуд Кошғарий буни мураккаб артикуляцияга эга бўлган («икки маҳраж орасида талаффуз қилинадиган») товуш деб таърифлайди (ДЛТ,160).

Уйғур ёзувли қадимги Турфон матнларида сирғалувчи [ž] товуши <*z*> ҳарфининг остига икки нуқта қўйиб ифода этилган (4). Масалан, «Сюань-цзан кечмиши» асарида: *ažin* – «дунё» (СЦ.V.71,4), *ižik* – «харф, ёзув» (СЦ.V.17,23).

Сирғалувчи [ž] товуши араб хатида ڇ ҳарфи билан ифода этилган. Масалан, QBQ да: آڙون *ažin* – «дунё» (16.7), اڙاڙ *eräž* – «роҳат, фароғат» (285.2).

Маҳмуд Кошғарий ўз асарида қуйидаги сўзларни сирғалувчи ڇ [ž] билан келтирган (ДЛТ бўйича): اڙن *ažin* – «дунё» (43), اڳڙ *aġuz* – «офиз, оғиз сути» (36), اڙزو *aržu* – «шоқол, чиябўри дейилган йиртқич бир ҳайвон» (64), اوڙما *užma* – «тут дараҳти» (65), تڙڪ *täžik* – «тожик; форс» (156); بڙن *buziñ* – бир хил ўт, ўсимлик (160). «Қутадғу билиг»нинг араб ёзувли қўллётмаларида ڇ ҳарфи билан ифода этилган [ž] товуши асарнинг уйғур ёзувли Ҳирот қўллётмасида <*c̄*> ҳарфи билан ифода этилган. Асарнинг араб ёзувидаги нусхаларини назарда тутилса, бу сўздаги <*c̄*> ҳарфи сирғалувчи [ž] ни англатганлиги аён бўлади: *ačin* (*ažin*) (QBН.7а,17) [асарнинг араб ёзувли қўллётмаларида: آڙون (QBN.9b,10)]. Қадимги турфон битигларида икки нуқтали <*z*> билан ёзилган *ažin* сўзи «Ҳибату-л-хақойик»нинг уйғур ёзувли нусхаларида <*c̄*> ҳарфи билан *aṣin* шаклида ёзилган (YugA.14,6; 15,4).

«Ҳибату-л-хақойик»нинг уйғур хатида ёзилиб, остида араб ҳарфлари билан изоҳлаб чиқилган *B* нусхасида мухим бир ёзув хусусиятини кузатамиз. Унда уйғур ёзувли матндаги *ačin* сўзи остмасост берилган араб ёзувли матнда бир ўринда آڙون *ažin* (19,2; 22,4), бошқа бир ерда эса اجون *ačin* деб изоҳланган (23,4; 47,7). Асарнинг араб ёзувли *C* нусхасида ҳам мазкур сўз бир ерда ڇ билан *ažin* ёзилса (18,2; 21,4), бошқа бир ерда چ билан *ačin* ёзилган (8,1). Демак, бу сўз асарда *ažin*~*ačin* шаклларида қўлланган. Шунга биноан, асарнинг

уйғур ёзувли нусхаларида **ئ** <*č*> ҳарфи сирғалувчи [ž], ўрни билан жарангсиз [*č*] товушини ифода этганилиги аён бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда Маҳмуд Кошғарий келтирган ўн саккиз ҳарфли алифбо (МК.3b) асосида тизимлаштирилса, ҳарфларнинг вазифалари қуидагича эканлиги аён бўлади: **ئ** <*a*> ҳарфи – [a], [ä~e]; арабчадан ўзлашган сўзлардаги [h], [h̥] ларни;

**ئ** <*w*> ҳарфи – [v~w], арабчадан ва форсчадан ўзлашган сўзлардаги [f] ни;

**ۈ** <*x*> ҳарфи – [x], [γ], ўзлашган сўзлардаги [h], [h̥] ларни;

**ۈ** <*v*> ҳарфи – [o], [ö], [u], [ü] ларни;

**ئ** <*z*> ҳарфи – [z], [s], [ž] ларни;

**ۈ** <*q*> ҳарфи – [q], [γ], арабчадан ўзлашган сўзлардаги [h], [h̥] ларни;

**ئ** <*y*> ҳарфи – [y]; [i], [i], [~e] ларни;

**ۈ** <*k*> ҳарфи – [k], [g] ларни;

**ئ** <*d*> ҳарфи – [d~δ], [t] ларни;

**ئ** <*m*> ҳарфи – [m] ни;

**ئ** <*n*> ҳарфи – [n] ни;

**ۈ** <*s*> ҳарфи – [s], [z], Турфон матнларида баъзан [ž] ни;

**ۈ** <*b*> ҳарфи – [b], [p] ларни;

**ئ** <*č*> ҳарфи – [č], [j], [ž] ларни;

**ئ** <*r*> ҳарфи – [r] ни;

**ۈ** <*š*> ҳарфи – [š] ни;

**ۈ** <*t*> ҳарфи – [t], [d~δ] ларни;

**ئ** <*l*> ҳарфи – [l] фонемасини ифода этади.

**Хуносаси.** Маҳмуд Кошғарий келтирган уйғур алифбоси ва ёзув хақидаги маълумотлари ёзув тарихи, унинг ўзига хос хусусиятлари, эски туркий тилнинг, хусусан, қорахонийлар даври ёзма адабий тилининг фонетик тизими, ҳарф ва товуш муносабатларини ўрганишда ўта аҳамиятлидир. Кошғарий алифбоси ўтмишдан қолган грамматикалар ва тарих китобларидағи уйғур алифболарининг энг мукаммали бўлиб, олим унга қорахонийлар даври тилининг билимдани, кучли фонетисти сифатида ёндашган.

Үйғур алифбоси ихчам бир шаклда тузилган бўлиб, ундаги ҳарфларнинг айтарли бари полифоник хусусиятга эга эди. Туркий халқлар ўтмишда фойдаланган алифболарнинг энг ихчами ҳам айни алифбодир. Унинг имло принциплари жуда ўйлаб ишлаб чиқилган. Ўтмиш ёзув амалиётининг тажрибаси шуни қўрсатадики, ёзувнинг қулай ё ўнгайсизлиги, тилнинг фонетик-фонологик тизимига қай даража жавоб берганлиги алифбодаги ҳарфларнинг оз-кўплигига эмас, балки имло қоидаларининг қандай тузилганлигига боғлиқ экан.

Үйғур хати ўзининг ихчам алифбо тизими, имло принципларининг мукаммал ишлангани, палеографик имкониятлари билан юзийилликлар оша туркий тилнинг фонетик хусусияти, китобат санъати талабларига тўла жавоб бериб, юзийилликлар оша ишлатилиб келди.

#### **Фойдаланилган манбалар ва илмий асарлар:**

*Arat 1991 – Kutadgu Bilig. I. Metin. R.R. Arat. – Ankara, 1991.*

*Arat 1992 – Edib Ahmed b. Mahmud Yükneki. Atebetü'l-Hakayık. R.R. Arat. – Ankara, 1992.*

*ДЛТ – Maхмуд Кошгариј. Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи Қ. Содиқов. – Тошкент, 2017.*

*MK – Kaşgarlı Mahmud. Dīvānū Lūgati't-Türk. Tıpkıbasım / Facsimile. – Ankara, 1990.*

*Mun. – «Муншаот»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Suppl. Turc. 317 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллиётида (387b–406a).*

*Рустамов 1976 – Рустамов А. Ибн Арабшоҳ туркий ёзувлар ҳақида. // «Адабий мерос» (5). 1976. 39–42- б.*

*Содиқов 2020 – Содиқов Қ. Эски ўзбек ёзма адабий тили. – Тошкент, 2020.*

*СЦ – «Сюань-цзан кечмиши» асари: Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-цзана. – Москва, 1991.*

*Yug – Адіб Ахмад Юғнакийнинг «Хибату-л-ҳақойиқ» асари: A – асарнинг 1444 йили Самарқандда кўчирилган уйғур ёзувли нусхаси: Arat 1992: S. I–LXII; B – асарнинг 1480 йили Истанбулда уйғур ёзувида ёзилиб, тагма-таг араб хатида изоҳлаб чиқилган нусхаси: Arat 1992: S. LXIII–CXVII; C – асарнинг XVI юзийилликда араб хатида кўчирилган нусхаси: Arat 1992: S. CXVIII–CLXVI; H – асарнинг Голландияда сақланаётган араб ёзувли нусхаси: Edib Ahmed Yükneki. Atebetü'l-Hakayık. İnceleme - Tenkitli Metin - Tıpkıbasım. Hazırlayan: S. Çakmak. – İstanbul, 2019. S. 420–468.*

*QB – Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадғу билиг» асари: H – Вена (Хирот) нусхаси: Wien, ÖNB, Cod. A.F.13: Радлов В.В. Кутадку-Билик. Факсимиле*

уйгурской рукописи. – СПб., 1890; *Yusuf Has Hacib*. Kutadgu Bilig. A. Viyana Nüshası (Tİpkıbasım). – Ankara, 2015; *N* – Наманган (Фарғона) нусхаси: ЎзР ФА Шарқшунослик институти, 1809 кўрсаткичли қўлёзма. *Yusuf Has Hacib*. Kutadgu Bilig. B. Fergana Nüshası (Tİpkıbasım). –Ankara, 2015; *Q* – Коҳира нусхаси: Миср Миллий кутубхонаси, 168- кўрсаткичли қўлёзма: *Yusuf Has Hacib*. Kutadgu Bilig. C. Kahire Nüshası (Tİpkıbasım). – Ankara, 2015.

Usmanova, S. R., & Ismatullayeva, N. R. (2020). Expression Of Lacunas In Comparative Study Of Kinship Terms In Chinese And Uzbek Languages. Solid State Technology, 63(6), 4974-4985.

Ismatullayeva, N. R. Translation of phraseological units in Chinese and Uzbek languages. In *Scientific research of the SCO countries: synergy and integration (International conference)*. Beijing, PRC, June (Vol. 24, pp. 45-50).